

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

## **311** Кемаларни рўйхатга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2595*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 февралдаги 106-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ички сув транспорти Устави ва 2004 йил 10 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Кемаларни рўйхатга олиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**В. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 23 май,  
95-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти  
агентлиги бошлигининг 2014 йил 23 майдаги  
95-сонли буйруғига  
ИЛОВА

### **Кемаларни рўйхатга олиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 февралдаги 106-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ички сув транспорти Устави ва 2004 йил 10 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ички сув йўлларида фойдаланишда бўлган кемаларни рўйхатга олиш, кема реес-

трини юритиш, хос рақамларни ва Кема гувоҳномасини бериш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**хос рақам** — кема реестрига киритилган, ҳар бир кема учун бериладиган рақам;

**кема** — кемачилик мақсадида фойдаланадиган ўзи юрар ёки ўзи юрмас сузувчан қурилмалар, шу жумладан аралаш (дарё — денгиз) сузиш кемалари, паром, сув тубини чуқурлаштирувчи ва тозаловчи земснарядлар, сузувчан кран ва шу каби техник қурилмалар;

**Кема гувоҳномаси** — кемага мулк ҳуқуқини белгиловчи ва кемада мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган, кеманинг асосий ҳужжатларидан бири.

2. Ички сув йўлларида фойдаланишда бўлган, ҳарбий кемалар, спорт кемалари ва фуқароларга тегишли бўлган кемалардан ташқари, асосий двигатели 75 от кучидан кам бўлмаган ўзи юрар кемалар ва сизими 80 регистр тоннадан кам бўлмаган ўзи юрмайдиган кемалар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳудудий бўлимларининг кемачилик инспекциялари (кейинги ўринларда — кемачилик инспекцияси деб юритилади) томонидан кема реестрига киритилиши керак.

3. Мазкур Қоидаларнинг 2-бандида кўрсатилган, бирор-бир кемага тегишли бўлган қайиқлар ва бошқа сузувчи воситалар рўйхатга олинмайди.

4. Кемаларни рўйхатга олиш кема ва унинг эгаси тўғрисидаги маълумотларни кема реестрига қайд этиш тизими билан амалга оширилади.

5. Кемачилик инспекцияси ваколатига қуйидагилар киради:

кемаларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш;

кемаларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

илгари рўйхатга олинган ва берилган Кема гувоҳномалари мавжудлигини текшириш;

кемаларни рўйхатга олиш;

Кема гувоҳномасини бериш;

кема реестрини юритиш.

### 2-боб. Кемаларни рўйхатга олиш

6. Ташкилотлар мазкур Қоидаларнинг 2-бандида кўрсатилган кемалар рўйхатига киритилган кемаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилгандан сўнг (шу жумладан ижара шартномаси асосида олинган экипажсиз кемалар) уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, 10 кун ичида рўйхатга қўйиш учун, ўзлари жойлашган манзил бўйича, ушбу Қоидалар-

нинг 1-иловасига мувофиқ ариза билан тегишли кемачилик инспекциясига мурожаат этишлари керак.

7. Кемаларни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган аризага юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси ва кеманинг тегишли эканлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлардан биттаси илова қилиниши керак:

кеманинг ташкилот балансига қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси ёки кемага мулк ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

кеманинг олди-сотди шартномаси нусхаси;

ижара шартномаси нусхаси;

божхона юк декларацияси нусхаси (чет элдан олиб келинган кема учун);

суд қарори нусхаси.

8. Юридик шахс қайта ташкил этилганда давлат рўйхатидан ўтган, янгидан вужудга келган юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари (ёки мавжуд юридик шахснинг ўзгартирилган таъсис ҳужжатлари), кемага мулк ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

9. Аризани кўриб чиқиш ва кемани рўйхатга олиш учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги йиғим ундирилади. Йиғим кемачилик инспекциясининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

10. Ҳужжатларнинг матни аниқ ёзилган, юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери тўлиқ кўрсатилган бўлиши лозим.

11. Ҳужжатларда ўчирилган, қўшиб ёзилган, ёхуд чизилган сўзлар, изох берилмаган ўзгартиришлар мавжуд бўлган, ҳамда уларнинг мазмунини бир хил тушуниб бўлмайдиган жиддий шикастланган ҳужжатларни қабул қилишга йўл қўйилмайди.

12. Кемани рўйхатга қўйиш учун зарур ҳужжатлар ариза берувчи томонидан кемачилик инспекциясига шахсан ёки олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома олинган ҳолда почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

13. Ариза берувчига кемани рўйхатга олиш учун ҳужжатларнинг рўйхати ва қабул қилинган санаси қайд этилган тилхат берилади ёки электрон шаклда хабарнома юборилади.

14. Кемачилик инспекцияси кемани рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза келиб тушгандан сўнг ўн кун ичида уни кўриб чиқади ва кеманинг кўрсаткичлари аризада кўрсатилган маълумотларга мувофиқ эканлигини аниқлаш учун кемани кўздан кечиради.

15. Кемалар юридик шахс жойлашган ер бўйича рўйхатга олинади.

16. Кемани рўйхатга олиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

кемани рўйхатга олишни сўраётган ариза берувчининг кемаси мазкур Қоидаларнинг 2-бандида кўрсатилган кемалар таркибига кирмаганда;

ариза берувчининг тақдим этган ҳужжатлари лозим даражада расмийлаштирилмаганда ёки улар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

ариза берувчининг тақдим этган ҳужжатларида нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда.

17. Кемани рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ариза берувчига қарор қабул қилинган кундан сўнг бир иш кунидан кечиктирмасдан ёзма равишда рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади ва хабарноманинг нусхаси ҳужжатлар жилдига тикилади.

18. Ариза берувчи кемани рўйхатга олишни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек кемачилик инспекцияси мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

19. Кема рўйхатга олингандан сўнг кемага мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ Кема гувоҳномаси берилади.

20. Кема гувоҳномаси йўқолганда, кема эгасининг аризасига асосан, унга янги Кема гувоҳномаси берилади.

21. Кема гувоҳномасини қайта расмийлаштириш ва йўқолган Кема гувоҳномасининг ўрнига янгисини бериш учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорда йиғим ундирилади.

### 3-боб. Кема реестри

22. Кема реестри кемачилик инспекцияси томонидан юритилади. Кема реестрига кеманинг номи (ҳозиргиси ва олдингиси), жойлашган ери, чакирув сигнали (аралаш (дарё-денгиз) сузиш кемалари учун), тури, вазифаси, классификацияси ҳамда асосий техник кўрсаткичлари, шу жумладан йўловчи сифими, тўла юк кўтариш қобилияти кўрсатилади.

23. Кема реестрига юридик шахснинг тўлиқ номи ва жойлашган ери кўрсатилади. Телефон, факс рақамлари ва бошқа маълумотлар қўшимча киритилиши мумкин.

24. Кема реестрининг ажралмас қисми бўлиб, рўйхатга олинган кемалар, уларнинг эгалари ва берилган Кема гувоҳномалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кемаларни ҳисобга олиш китоби ҳисобланади.

25. Кема реестрининг ҳар бир қатори кемага берилган хос рақам билан белгиланади. Кемаларнинг ҳисобини юритиш учун тўрт рақамли тартиб рақамдан фойдаланилади, бунда биринчи рақам кеманинг тури ва вазифасини билдиради:

йўловчи ташувчи кемалар — 1;

ўзи юрар кемалар — 2;

ўзи юрмайдиган кемалар — 3;

сузувчан понтон кўприклар — 4;

махсус кемалар — 5 билан белгиланади.

Кейинги учта рақам тартиб рақамини билдиради.

Кемаларнинг хос рақамлари олдида қуйидагича индекслар қўйилади:

UZ — дарё портлари ва сув йўллари техника участкаларининг кемалари учун;

G — давлат ташкилотларининг кемалари учун;

SPS — қутқарув станцияларининг кемалари учун.

26. Кема реестридаги ҳар бир ёзув кемани рўйхатга олган мансабдор шахснинг фамилияси ва исмини, ёзув киритилган санани кўрсатган ҳолда, унинг имзоси билан яқунланади.

#### **4-боб. Кема реестрига ўзгартириш киритиш**

27. Кема реестрига ўзгартириш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

юридик шахснинг жойлашган ери, номи ўзгарганда;

кема эгаси ўзгарганда;

кемани қайта жиҳозлаш натижасида унинг конструктив ўлчамлари, қуввати ва классификацияси ўзгарганда;

юридик шахс қайта ташкил этилганда.

28. Кемага мулк ҳуқуқи юридик шахснинг қайта ташкил этилганлиги сабабли ўтганда, ўзгартириш киритиш учун асос бўлиб қайта ташкил этилган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳисобланади.

29. Кема реестрига ҳар қандай ўзгартиришлар киритилганда кемага янги хос рақам берилади.

#### **5-боб. Кема реестридан чиқариш**

30. Кема реестридан қуйидаги кемалар чиқарилади:

чўккан кемалар;

конструктив эскирган кемалар;

қайта жиҳозлаш ёки бошқа ўзгартириш киритиш натижасида лойиҳавий сифатини (мувозанат, сузувчанлик, чўкмаслик) йўқотган кемалар; фойдаланишга ва таъмирлашга яроқсиз деб топилган кемалар.

31. Кемани мазкур Қоидаларнинг 30-бандида кўрсатилган сабаблар билан кема реестридан чиқариш учун, кема эгаси кема рўйхатга турган манзилдаги кемачилик инспекциясини бу ҳақда 10 кун муддат ичида ёзма ариза билан хабардор қилиши керак.

Кема эгаси кемани реестрдан чиқариш тўғрисидаги аризага Кема гувоҳномасини илова этади.

32. Кема реестрининг махсус устунда кемани кема реестридан чиқарилган санаси кўрсатилиб ёзув киритилади ва кемани реестрдан чиқарган кемачилик инспекциясининг мансабдор шахси имзоси билан тасдиқланади.

33. Агар кемага мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётган бўлса, махсус устунда кемани бошқа шахсга ўтганлиги кўрсатиб ўтилади ва янги хос рақамга ҳавола қилинади.

Алоҳида устунда ўзгартириш киритиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг номи кўрсатилади.

**6-боб. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи  
остида сузиш**

34. Кеманинг Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи остида сузиш ҳуқуқи кема реестрига киритилганидан сўнг пайдо бўлади.

35. Кема Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи остида сузиш ҳуқуқини кема реестридан чиқарилган кундан бошлаб йўқотади.

**7-боб. Яқуний қоидалар**

36. Ушбу Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

37. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*2014 йил 23 май*

*Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирининг биринчи ўринбосари*

*Ш. ТЕШАЕВ*

*2014 йил 23 май*

*Табиатни муҳофаза қилиш  
давлат қўмитаси раиси*

*Б. АБДУСАМАТОВ*

*2014 йил 23 май*

*Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси*

*А. АБДУҲАКИМОВ*

*2014 йил 23 май*

Кемаларни рўйхатга олиш қоидаларига  
1-ИЛОВА

Кемаларни рўйхатга олувчи давлат органининг номи \_\_\_\_\_

### АРИЗА-АНКЕТА

Кема тўғрисида маълумотлар:

1. Кема номи: \_\_\_\_\_  
2. Кеманинг олдинги номи, олдинги рўйхатга олган жой ва у бекор қилинган сана (агар улар мавжуд бўлса): \_\_\_\_\_

3. Кема жойлашган манзил \_\_\_\_\_

4. Чақирув сигнали (аралаш сузувчи (дарё — денгиз) кемалар учун) \_\_\_\_\_

5. Сузишга яроқлилиги тўғрисидаги гувоҳнома: \_\_\_\_\_

(качон, ким томонидан берилган, рақами)

6. Тури ва вазифаси: \_\_\_\_\_

7. Кема классификацияси: \_\_\_\_\_

8. Лойиҳа рақами: \_\_\_\_\_ қурилган йили ва жойи \_\_\_\_\_

9. Қобик материали: \_\_\_\_\_

10. Бош двигател (тури, сони, умумий қуввати): \_\_\_\_\_

11. Кеманинг габарит ўлчамлари: узунлиги \_\_\_\_\_ м, эни \_\_\_\_\_ м, тўла юк билан сувга ботиши \_\_\_\_\_ м, бўш ҳолда сувга ботиши \_\_\_\_\_ м, бўш ҳолда сувга ботишидан қурилмалари билан энг катта баландлиги \_\_\_\_\_ м. Белгиланган юк кўтариш қобилияти: \_\_\_\_\_ тн, йўловчи сифими \_\_\_\_\_ киши.

Кема эгаси тўғрисида маълумотлар:

1. Ташкилот номи \_\_\_\_\_

2. Жойлашган ери \_\_\_\_\_

3. Почта манзили \_\_\_\_\_

4. Телефон, факс (телекс, телетайп, e-mail) \_\_\_\_\_

5. Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами \_\_\_\_\_ берилган санаси: \_\_\_\_\_ ким томонидан берилган: \_\_\_\_\_

6. СТИР: \_\_\_\_\_

7. Мулкчилик шакли: \_\_\_\_\_

8. Кемани рўйхатга олиш учун асос \_\_\_\_\_  
(шартнома тури, рақами, санаси)

9. Ташкилот (корхона) раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Кемаларни рўйхатга олиш қоидаларига  
2-ИЛОВА

**О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**

РЕСПУБЛИКА  
УЗБЕКИСТАН

Ўзбекистон Республикасининг герби  
Герб Республики Узбекистан

THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTAN

**КЕМА GUVOHNOMASI  
СУДОВОЕ СВИДЕТЕЛЬСТВО  
SHIP'S CERTIFICATE  
DT № 0000**

О'zbekiston Respublikasi avtomobil va daryo transporti agentligining Kemachilik Registri va Kemachilik inspeksiyasi kemalar ro'uxatiga asosan quyida ko'rsatilgan kemanding egasi

На основании судового реестра Судходного регистра и Судходной инспекции Узбекского агентства автомобильного и речного транспорта указанное ниже судно принадлежит

According to the ships list of the Shipping Register and Shipping inspection of the Uzbek Agency for Automobile and River Transport indicated below ship belongs to

1. Кема nomi yoki raqami  
Название судна или номер \_\_\_\_\_  
Name of the ship or its number

2. Turi va xizmati  
Тип и назначение \_\_\_\_\_  
Type and purpose

3. Ro'uxat №  
Проект № \_\_\_\_\_  
Indicated №



4. Yil va qurilgan joyi

Год и место постройки \_\_\_\_\_

Year and Place of construction

5. Korpus materiali

Материал корпуса \_\_\_\_\_

Material of hull

6. Kemaning gabariti:

Габаритные размеры судна:

Ship dimensions:

uzunligi

kengligi

To'la yuk bilan suvga botishi

bo'sh holda botishi

длина \_\_\_\_ м

ширина \_\_\_\_ м

осадка в полном грузу \_\_ м

осадка порожнем \_\_ м

length

width

full draught

draught without load

ustki qavati bilan eng balandligi (bo'sh holda botishidan)

наибольшая высота с надстройками (от осадки порожнем) \_\_\_\_\_ м.

max height with superstructure (from the draught without load)

7. Belgilangan yuk ko'tarishi \_\_\_\_\_ tonna, yo'lovchi sig'imi \_\_\_\_\_ kishi.

Установленная грузоподъемность \_\_\_\_ тонн, пассажировместимость \_\_\_\_ человек.

Gross tonnage \_\_\_\_\_ ton, passengers capacity \_\_\_\_\_ men.

8. Suzish hududi

Район плавания \_\_\_\_\_

Region of sailing

O'zbekiston Respublikasi avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig'i

Начальник Узбекского агентства автомобильного и речного транспорта

Head of the Uzbek Agency for Automobile and River Transport

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_